

---

## Энг фаол маънавият тарғиботчилари аниқланди

Учкўприк тумани ҳокимлиги ҳамда Маънавият ва маърифат маркази томонидан “Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси” танловининг туман босқичи ўтказилди.

Қайд этилишича, Президентимиз раҳбарлигида 2023 йил 22 декабрь куни ўтказилган республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши баёнига асосан “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзолари ўртасида “Йилнинг энг фаол тарғиботчиси” танлови ўтказилиши белгиланган.

Тадбир аввалида бу каби танловларнинг мунтазам ўтказилиши ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлаш, аҳоли онги ва қалбида маънавий фазилатларни юксалтириш, иродали, фидойи, ватанпарвар ва ўз мустақил фикрига эга авлодни тарбиялашда муҳим омил бўлиши қайд этилди.

Якуний натижаларга кўра, “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзоси Нигорахон Матмусаева ғолибликни қўлга киритиб, танловнинг вилоят босқичига йўлланма олди.

Танлов ғолибларига ташкилотчиларнинг ташаккурномалари ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилди.

2024-11-02 16:08:11